

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САДИКОВА АКИДА САТТАРОВНА**

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДАГИ 1 ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БОЛАЛАР  
ВА ЎСМИРЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА ФАРМОКО-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Садикова Акида Саттаровна**

Ўзбек популяциясидаги 1 тур қандли диабетли болалар ва  
ўсмирларда сурункали буйрак касаллигини  
эпидемиологик ва фармако-генетик хусусиятлари ..... 3

**Садикова Акида Саттаровна**

Эпидемиологические и фармако-генетические особенности хронической  
болезни почек при сахарном диабете 1 типа  
у детей и подростков узбекской популяции ..... 25

**Sadykova Akida Sattarovna**

Epidemiological and pharmacological-genetic features  
of chronic kidney disease in type 1 diabetes in children and  
adolescents of the uzbek population ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works ..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САДИКОВА АКИДА САТТАРОВНА**

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДАГИ 1 ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БОЛАЛАР  
ВА ЎСМИРЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА ФАРМОКО-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib191 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимова Гулнара Нишановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нажмутдинова Дилором Камардиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Турдикулова Шахло Уткуровна**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru); Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Х. Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.И. Исмаилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда сурункали буйрак касалликлари (СБК) тиббий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан долзарб муаммолардан ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «мазкур касаллик болалар ва ўсмирлар орасида учрайдиган касалликларнинг 30-50% ни ташкил қилади, унинг оқибати 15-20 йилдан кейин ўлим ҳолатлари билан тугаши кузатилади»<sup>1</sup>. Сурункали буйрак касаллигининг тобора кенг тарқалаётгани, беморларда эрта ногиронлик келиб чиқиши СБК ижтимоий аҳамиятини белгилаб бормоқда<sup>2</sup>. СБК концепциясини амалиётга татбиқ этиш юрак-қон томир касалликлари ва умумий ўлим ҳолатларини камайиши, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ошиши ҳамда касалхона шароитида буйрак дисфункцияси асоратларини даволашга сарфланадиган харажатларни камайтиришда муҳим стратегик ёндошиш сифатида қаралади<sup>3</sup>. СБК нозологик тушунча сифатида қандли диабет (ҚД) билан хасталанган беморлар учун долзарблиги ҳамда буйрак касалликларнинг намоён бўлиши, эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича яратилган ёндашишларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ногиронликка олиб келувчи сурункали касалликлар мавжуд болаларга тиббий ёрдамни кучайтириш учун касалликнинг тарқалиши, унинг ривожланиш ва авж олишининг хавф омилларини ўрганишга йўналтирилган эпидемиологик тадқиқотларни олиб бориш муҳимдир. Бу биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда СБКни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш, касалликнинг асоратларини авж олиш хавфини учраш даражасини камайтириш муаммонинг долзарблиги ва заруратини белгилаб беради.

Жаҳонда биринчи тур қандли диабет болалар ва ўсмирларда буйрак касалликларининг эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларини ташхислаш ҳамда даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, NKF-K/DOQI замонавий таснифи бўйича минтақаларда биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги эпидемиологик кўрсаткичларини, касалликнинг ривожланиш ва авж олиш патогенезида метаболик бузилишлар таъсирини, эрта ташхислаш ва ривожланишида ангиотензин-айлантирувчи фермент (ААФ) гени полиморфизмининг башоратловчи аҳамиятини асослашдан иборат. Шунингдек, ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда СБК башоратлашда сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза фаоллигини аниқлаш, нормоалбуминурия босқичидаги биринчи тур ҚД болалар ва ўсмирларда ААФ ингибиторининг (периндоприл) қўлланилишининг фармако-генетик самарадорлигини баҳолаш, касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлари механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>World Health Organization. World Health Statistics 2014. <http://www.who.int/healthinfo/statistics>.

<sup>2</sup> Шестакова М.В., Шамхалова М.Ш. и др. Сахарный диабет и хроническая болезнь почек: достижения, нерешенные проблемы и перспективы лечения// Сахарный диабет. - 2011. - № 1. - С.81-88.

<sup>3</sup> Дедов И., Шестакова М.В., Викулова О.К. Эпидемиология сахарного диабета в Российской Федерации// Сахарный диабет. - 2017. - Т. 20. - №1. - С. 13-41.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва ўсмирлар орасида қандли диабет асоратларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ушбу вазифаларни мақсадли бажариш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш»<sup>4</sup> вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2650 сонли «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ўтказилган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, ҚД касаллигида буйракнинг зарарланиши кеч ташхисланиши сабабли 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиши ва авж олиш хавфи омиллари, эпидемиологияси, уни даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари танлаш, баъзи ҳолларда эса ташхислаш ва даволаш муолажаларини кеч бошланиши оқибатида ўлим ҳолати келиб чиқиш муаммолари долзарбдир. Турли муаллифларнинг фикрига кўра болаликда касал бўлган беморларнинг 30 дан 50% касаллик бошланишидан 15-20 йил ўтгач, буйрак етишмовчилигидан вафот этадилар (Дедов И.И., 2017; Whelton P.K., 2017; Carey R.M., 2017). ААФ гени полиморфизмининг ААФ ингибиторларининг самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нохуш генотип варианты мавжуд беморлар учун янги, самарали ренопротектив воситаларни излаб топишга тўртки бўлади, бу эса диабетик нефропатияни даволашда индивидуал ёндашувни асослаб беради. ААФ ингибиторларини қўллаш протеинурияни камайтиради, ДН авж олишини ва унинг сурункали буйрак етишмовчилиги босқичига ўтишини секинлаштиради, натижада диабет ва нефропатия билан касалланган беморларнинг яшовчанлиги ошишига олиб келади (Whelton P., 2017; Carey R.M., 2017; Vejakama P., 2017; Ingsathi A., 2017).

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Артериал гипертензиясиз диабет ва микроалбуминурияли беморларда йил мобайнида ААФ периндоприлни кўллаш сийдик билан оксил ажралишини 45% камайтирган бўлса, юқоридаги муддатда кальций каналлари блокатори нифедипиннинг ишлатилиши фонида эса оксил экскрецияси аксинча 18 %га ошган (Toch H., 2014; Chalmers J., 2014). Таъкидлаш жоизки, ААФ ингибиторлари билан даволаш негизда гликемия ёки тўқималарни инсулинга резистентлик кўрсаткичларида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади (Lars Rydén, Peter J. Grant, 2014).

Ўзбекистонда 1 тур ҚД болалар ва ўсмирлар Миллий регистри маълумотларига кўра, СБЕ болаларда 50%, ўсмирларда эса 70% ҳолатда ўлим кузатилади, бунда сурункали гипергликемия ва ДНни эрта босқичларининг кеч ташхисланиши сабабли касаллик бошланишидан ҳисоблаганда болаларнинг ўртача умри 5,2 йил, ўсмирларда эса 6,4 йилни ташкил қилади (Г.Н.Рахимова, Н.У.Алимова, 2016). 2012 йилда 1 тур ҚД болалар, ўсмирлар ва катталарда ўтказилган скрининг тадқиқот натижаларига кўра фақат ДН ривожланган 4 ва 5 босқичларининг тарқалганлигини баҳолашга эришилди ҳолос, бунда ДН 4-босқичида протеинурия намоён бўлиши мос ҳолда 5,3%, 11,1% ва 25,9% ни ташкил қилди. ҚД 1 тури аниқланган болалар ва катта ёшли беморларда СБЕ мос равишда 0,74% ва 12,5% дан иборат бўлди, шунинг учун ДН ва унинг терминал босқичини эрта ташхислаш, башоратлаш муаммоси мамлакатимизда болалар нефрологияси ва диабетологиясининг ўта долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда (Г.Н.Рахимова, Н.У.Алимова, 2016). СБК янги таснифининг пайдо бўлиши билан ДН барча босқичларини ташхислаш имкони пайдо бўлди. Сўнгги йилларда адабиётларда ҚД ҳар иккала тури мавжуд беморларда ААФ генининг полиморфизмига боғлиқ равишда ДН даволаш ва ривожланишининг ирсий хавфи оммавий тарзда муҳокама қилинмоқда. Айни вақтда ушбу боғлиқлик текширилган аҳоли миллатига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди (Yu Z., 2012), бироқ ўзбеклар популяциясида 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда бундай тадқиқотлар ҳамда НАУ босқичида буюрилган ААФ ингибиторларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, ҚД да СБК клиник-патогенетик, эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш, 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда ушбу асоратни даволаш ва олдини олиш, ташхислашга янгича ёндошиш усуллари ишлаб чиқиш СБЕ билан боғлиқ бўлган ногиронликни бартараф қилиш борасидаги вазифаларни ечишда долзарб муаммо ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассаса илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда АТСС 12.2. «Ўзбек миллатидаги 2-турдаги ҚД беморларда TCF7L2, ACE, eNOS генлари генотипларининг учраши асосида диабетик макроангиопатия (ЮИК, миокард инфаркти) ва микроангиопатияларни (нефропатия, ретинопатия) башоратлаш усуллари ва

профилактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш» (2012-2014) илмий лойиҳалари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек популяциясидаги 1 тур қандли диабетли болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касаллигини эпидемиологик ва фармоко-генетик хусусиятларини очиб бериш ҳамда касалликни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

NKF-K/DOQI янги таснифи бўйича Ўзбекистонда биринчи турдаги ҚДли болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги эпидемиологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

биринчи турдаги ҚДли болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиш ва авж олиш патогенезида метаболик бузилишларнинг таъсирини аниқлаш;

ўзбек популяциясига мансуб биринчи турдаги ҚД беморларда СБКни эрта ташхислаш ва унинг ривожланишида ангиотензин-айлантирувчи фермент (ААФ) гени полиморфизмининг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда СБК башоратлашда сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза фаоллигини аниқлашнинг клиник-ташхисий аҳамиятини асослаш;

нормоалбуминурия босқичидаги биринчи тур ҚДли болалар ва ўсмирларда ААФ ингибиторининг (периндоприл) қўлланилишининг фармоко-генетик самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мамлакатимизда истиқомат қилувчи, барча эндокринологик диспансерларнинг рўйхатида турган, 18 ёшгача бўлган биринчи тур қандли диабет билан хасталанган 594 нафар бола ва ўсмир олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** илмий тадқиқотлар асосида биринчи тур қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган болалар ва ўсмирларни ташхислашда антропометрик кўрсаткичлар, қон таркибидаги НbА1с, креатинин ва мочевина, микроалбуминурия, мальтозадан глюкозанинг ажралиш тезлиги бўйича нейтрал альфа-глюкозидаза ферменти фаоллиги, ангиотензин айлантирувчи фермент гени полиморфизмини аниқлаш олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида антропометрик, клиник-биокимёвий, генетик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясига мансуб биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда СБКда ААФ гени I/D полиморфизмининг тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда СБКда ААФ гени полиморфизми бўйича сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза ферменти фаоллигининг ирсий боғлиқлиги исботланган;

биринчи марта ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда биринчи турдаги қандли диабет мавжуд болалар ва ўсмирларда СБК ривожланишининг

бирламчи профилактикаси ва НАУ босқичида периндоприлни қўлланилишининг самараси исботланган;

кон зардобидаги креатинин, микроалбуминурия ва КФТ асосланган сурункали буйрак касаллигининг NKF-K/DOQI (2002, 2013) таснифи бўйича биринчи турдаги қандли диабет болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги ривожланиш ва авж олишининг таҳлика омиллари, турли босқичларининг тарқалиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг биринчи тури сурункали буйрак касаллиги тарқалишини баҳоловчи анкета-сўровномалар ишлаб чиқилган;

болалар ва ўсмирлардаги биринчи турдаги қандли диабетда СБК эпидемиологик, клиник ва фармако-генетик хусусиятлари ўрганилган;

қандли диабетнинг эрта босқичларда СБК ни ташхислаш, башоратлаш ва даволашнинг оптимал усули тавсия қилинган;

сурункали буйрак касаллиги ривожланиши ва авж олишида биринчи турдаги ҚД мавжуд болалар ва ўсмирларда сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза фаоллигининг референт ташхислаш қийматлари аниқланган;

ўзбек популяциясига мансуб биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда СБК олдини олиш ва башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

СБК клиникагача бўлган босқичларини ташхислаш, биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда нормоалбуминурия босқичида ААФ ингибиторларини узоқ муддат давомида қўллашнинг самарадорлиги ишлаб чиқилган;

СБК терминал босқичлари авж олиши ва ривожланишининг эрта бирламчи профилактикаси ва НАУ босқичидаги СБК ва диабетик нефропатияни эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, эпидемиологик, антропометрик, клиник-биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диабетда буйрак касалликларининг эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларини олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда истиқомат қилаётган биринчи турдаги қандли диабет мавжуд болалар ва ўсмирларда СБК эрта босқичларини ривожланишида хавф омилларининг прогностик жиҳатдан ўзига хослигини аниқлаш ҳамда ААФ гени полиморфизмига ва сийдикдаги нейтрал алфа-глюкозидаза ферменти фаоллигига боғлиқ холда СБК ривожланишини эрта ташхислаш, ўз вақтида унинг олдини олиш ва башоратлаш алгоритмининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диабетда СБК эпидемиологик, клиник ва фармако-генетик мезонларини ўрганиш орқали амалга оширилган. СБК тарқалганлиги

бўйича аниқланган эпидемиологик маълумотлар вертикал бўйича эндокрин ёрдам кўрсатиш барча даражаларида биринчи турдаги ҚД билан касалланган беморларни кузатиш ва маҳаллий даволаш стандартларига мос равишда диabetологик хизматни оптималлаштиришни тақозо қилади. Тавсия қилинган ва амалиётга татбиқ қилинган СБК клиникагача бўлган босқичларида ташхислаш усуллари, биринчи турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда узоқ муддатли ААФ ингибиторларини қўллашнинг самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар НАУ босқичидаги СБК ва диabetик нефропатияни эрта ташхислаш ва даволашни ҳамда терминал босқичга ўтишнинг бирламчи профилактикасини оптималлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диabetда буйрак касалликлари эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларини ташхислаш ҳамда даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Диabetик нефропатия» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 8н-д/72-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасида қандли диabet касаллигининг биринчи турида буйрак касалликларнинг эпидемиологияси, хавф омилларни аниқлаш ва фармако-генетик хусусият-лари тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

«Биринчи турдаги қандли диabet бўлган болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касалликларини ташхислаш, олдини олиш ва даволаш мезонларини оптималлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 8н-д/72-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларда қандли диabetли сурункали буйрак касаллигининг биринчи турини ташхислаш, танланган даволаш тизими ва беморлардаги генетик хусусиятларнинг олдини олиш ва самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диabetда буйрак касалликларининг эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент ва Андижон вилоятлари эндокрин диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-д/136-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши қандли диabetли беморларда сурункали буйрак касаллиги болаларда 19,4 %га ва ўсмирларда 35,5 %га ташкил қилганлиги, касалликни эрта аниқлаш ва асоратларни камайтириш, генетик мойиллиги ва сийдикдаги касалликнинг замонавий маркерларини аниқланганлиги, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диабетда буйрак касалликларининг эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларининг замонавий талқини**», деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диабет ва унинг асоратлари мавжуд ташхисоти, клиникаси ва профилактика усулларининг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда биринчи турдаги қандли диабетда буйрак касалликларининг эпидемиологияси ва фармако-генетик хусусиятларининг ўрганиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва услублари баён қилинган, тадқиқотларга жалб қилинган 1-турдаги ҚД мавжуд болалар ва ўсмирлар тавсифи ва қўлланган усуллар ҳамда олинган натижаларни баҳолаш ўтказилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотлар 3 босқичда амалга оширилган: I босқич – СБК тарқалганлиги, 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиши ва авж олишининг хавф омилларининг эпидемиологик хусусиятлари; II босқич – 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК клиник, биокимёвий, гемодинамик, молекуляр-генетик кўрсаткичларини баҳолаш; III босқич – ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда НАУ босқичида ААФ ингибитори периндоприлни қўллаш самарасини баҳолаш.

Ҳар бир текширилувчи учун алоҳида унификацияланган баённома тўлдирилиб, унда паспорт, анамнез, антропометрик ва лабораториявий маълумотлар қайд қилинди.

СБК ривожланиш ва авж олиш хавф омиллари ва эпидемиологик кўрсаткичларни ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри, ҚР, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари эндокринологик диспансерларида назоратда бўлган 594 нафар бола ва ўсмир текширувдан ўтказилди. Беморлар қай миллатга мансублигига қараб диққат билан танлаб олинди, бунда икки, имкониятга қараб учта авлод бўйича шажараси ва ҳужжатлардаги маълумотлар ўрганилди.

Тадқиқотларга киритиш мезонлари: ёши >1 ёш <18 ёш, ҚД 1-тури. Тадқиқотлардан истисно қилиш мезонлари: Кетоацидоз, кетоз.

Биринчи тур ҚД болалар ва ўсмирлар қон зардобадаги креатинин, микроалбуминурия ва КФТ ҳисоблаш йўли билан NKF-K/DOQI (2002, 2013) таснифи бўйича тақсимланди.

СБК метаболик ва фармако-генетик хусусиятларини текшириш мақсадида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий эндокринология маркази болалар эндокринология бўлимида стационар даволанишда бўлган 120 нафар ўзбек популяциясига мансуб 1-тур ҚД болалар ва ўсмирлар текширувдан ўтказилди. Клиник кўрик, анамнез йиғиш, умумклиник, биокимёвий, инструментал, генетик текширувлар, тор мутахассисликлар кўриги амалга оширилди.

1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда меъёрдан оған кўрсаткичларни аниқлаш ва натижаларни таққослаш учун мос ҳолда ёш ва жинсдаги 30 нафар соғлом бола ва ўсмирдан иборат назорат гуруҳи шакллантирилди.

Жисмоний ривожланишни баҳолашнинг антропометрик усули тана вазни, бўй, тана вазни индексини (ТВИ) ўлчашни ўз ичига олди.

Биокимёвий текширишлар қуйидагилардан иборат бўлди: ҚУТ, СУТ, углевод, липид алмашинуви кўрсаткичлари, сийдикчил, КФТ аниқлаш билан креатинин, фибриноген, фибринолитик фаоллик (ФФ), протромбин вақти (ПТВ), тромботест (ТТ).

Гликирланган гемоглобин (HbA1c) ва микроалбуминурия (МАУ) DCA Vantage компанияси (Siemens Healthcare Diagnostics, Германия) автоматик анализаторида иммунофермент усул ёрдамида аниқланди. HbA1c аниқлаш усули NGSP (The National Glycohemoglobin Standardization Program) сертификатида мос ҳолда амалга оширилди. Углевод алмашинуви бузилишининг компенсация даражаси ISPAD (International Society for Pediatric and Adolescent Diabetes Consensus Guidelines, 2014) бўйича баҳоланди. Гликирланган гемоглобиннинг мақсадга мувофиқ миқдори сифатида  $\leq 7,5\%$  қабул қилинди.

Сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза фаоллиги мальтозадан глюкоза ҳосил бўлиш тезлиги бўйича ўлчанди. Қорачиқни кенгайтиришдан сўнг кўз тубини бевосита офтальмоскопия усули билан Kohner E. ва Portae M. таснифи бўйича диабетик ретинопатия ташхиси қўйилди.

Функционал текшириш усуллари: ЭКГ, кундузги ва тунги АҚБ ва ЮҚС аниқлаш. Буйракларнинг шикастланиш босқичларини баҳолаш КФТ катталиги бўйича баҳоланди, КФТ ни ҳисоблашда Шварц формуласидан фойдаланди.

Геном ДНКсини ажратиш ва ААФ гени I/D полиморф маркери бўйича генотиплаш ЎЗР ФА ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти, одам функционал геномикаси лабораториясида ўтказилди. Diatom™ DNA Prep 200 куруқ реагентлар йиғмасини қўллаган ҳолда Higuchi H.Erich (1989) усули бўйича ДНК ажратиб олинди.

ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда НАУ босқичига ААФ ингибитори периндоприлни қўллаш самарасини баҳолаш учун ҚД давомийлиги 10 ва ундан кўп йил бўлган, НАУ босқичидаги биринчи тур ҚД мавжуд 12 дан 17 ёшгача бўлган 22 нафар болалар ва ўсмирлар текширувдан ўтказилди. Беморлар ААФ гени полиморфизми бўйича 2 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ (n=11) – II генотип тутувчи беморлар ва 2 гуруҳ (n=11) – DD генотиби тутувчи беморлар.

Асосий даво муолажалари билан бир қаторда (интенсив инсулинтерапия) нефропротекция мақсадида ААФ ингибитори гуруҳи вакили бўлган «Сервье» фирмаси дори воситаси Периндоприл (Престариум) 2,5 мг/кунига буюрилди. 6 ойлик терапия негизида ААФ гени полиморфизмига боғлиқ равишда углевод, липид алмашинуви кўрсаткичлари, биокимёвий кўрсаткичлар, МАУ, КФТ, сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза баҳоланди.

Олинган натижалар Excel-2010, STATISTICA 6,0 (Stat Soft, 2001) компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Имкониятлар нисбати ва 95% ишончлилик интервали мантиқий регрессия усули ҳисобланди. Кўрсаткичларнинг ишончлилик даражаси  $\chi^2$  (Пирсон мезони) нопараметрик мезони, кам танловларда эса аниқ Фишер-Ирвин мезонидан фойдаланилди.

Микдорий катталикларнинг ишончлилик даражаси эса Вилкоксон мезонини қўллаш билан амалга оширилди. Микдорий кўрсаткичлар  $M \pm SD$  кўринишида ҳамда медиана (Me) ва 25 ва 75 перцентили (IQR) ифодаланди.  $p < 0,05$  катталигида гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарли деб қабул қилинди.

**Диссертациянинг «Биринчи турдаги қандли диабетли болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги эпидемиологик кўрсаткичларини ўрганиш»** деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида Тошкент шаҳри, ҚР, Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари эндокринология диспансерларида назоратда бўлган жами 594 нафар биринчи турдаги ҚД билан касалланган бола ва ўсмирни текшириш натижалари баён қилинган. Биринчи тур ҚДли болалар жинси ва ёши бўйича тақсимланганда уларнинг сони 56,4% (n=335), ўсмирлар 43,6% (n=259) ни ташкил қилди. Умумий текширилганларнинг 44,9% (n=267) ўғил болалар, 55,1% (n=327) эса қиз болалардан иборат бўлди.


Биринчи тур ҚД учраган болалар ва ўсмирлардаги гендер тадқиқотлар натижаларида аниқланишича, болалар 41,5/58,5% (n=139/196) ҳамда ўсмирлар 49,4/50,6% (n=128/131) ўртасида аёлларнинг кўпроқ учраши аниқланди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда буйрак

патологиялари ривожланишида беморларнинг жинсига кўпроқ эътибор қаратила бошлади, ушбу белгига боғлиқ ҳолда СБК даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқилмоқда (Neugarten J. et al., 2000; Yanes L. L. et al., 2008).

Тадқиқотларимизнинг вазифаларидан бири бу 1-турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда қон зардобидаги креатинин ва КФТ ҳисоблаш орқали СБК тарқалганлик даражасини аниқлашдан иборат эди. Биринчи марта ўзбек популяциясига мансуб 1-турдаги ҚД болалар ва ўсмирларда СБК тарқалганлигини барча бешта босқични эътиборга олиб баҳолаш амалга оширилди.

Текширув олиб борилган минтақаларда 1-тур ҚД болаларда аксарият ҳолларда – 80,6% СБК кузатилмаган, СБК I босқичи - 7,5%; II босқичи - 6,6%, III босқичи - 4,2% ва IV босқичи - 1,2%ни ташкил қилди. Демак, 1-тур ҚД болаларда СБК учраш даражаси 19,4% ташкил этди.

Текширилган минтақалардаги 1-тур ҚД ўсмирларнинг аксарияти (64,5%) СБК сиз кечган, СБК I босқичи - 17,0%; II босқич - 8,1%; III - 4,6% ва IV - 5,8%ни ташкил қилди. 1-тур ҚД ўсмирларда СБК V босқичи аниқланмади. Бундан келиб чиқадики, ўсмирлар ўртасида тарқалганлик даражаси 35,5% ни ташкил қилди (1-расм).



**1-расм.** Ўзбекистон Республикаси бўйича ва вилоятлар кесимида сурункали буйрак касаллиги тарқалганлиги

Қандли диабет компенсацияси ( $HbA1c \leq 7,5\%$ ) бўлган болалар гуруҳида СБК авж олиб бориши билан болалар сони камайиб борди. Компенсацияланган шахсларда СБК IV ва V босқичлари аниқланмади. Декомпенсацияланган шахслар ўртасида ҳам СБК авж олиб бориши билан беморлар сони камайиб борди, бироқ компенсацияланган беморлардан фарқли равишда уларда СБК IV босқичи ташхисланди.

Ўсмирлар ўртасида ҳам айнан шундай манзара кузатилди: Қандли диабетнинг компенсацияли кечиши бўлган гуруҳда СБК IV босқичи аниқланмади ва СБК авж олиб бориши билан ўсмирларнинг кўрсаткичлари камайди, бироқ  $HbA1c >7,5\%$  бўлган гуруҳда СБК IV босқичи ташхисланди.

Шундай қилиб, компенсация даражасига боғлиқ ҳолда 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларни текшириш натижаларининг таҳлилида аниқланишича, СБК ривожланиши ва авж олишида компенсация даражаси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлар эса кейинги тадқиқотларда хавф гуруҳини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**«Биринчи турдаги қандли диабет мавжуд болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиши ва авж олиш хавф омилларини ва клиник кўрсаткичларни ўрганиш»** иккинчи қисмида СБК ривожланиши ва авж олиш даражасига боғлиқ равишда 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда хавф омиллари, биокимёвий, генетик кўрсаткичлар чуқур ўрганилди.

1-тур ҚД болалар ва ўсмирларнинг аксариятида сурункали буйрак касалликларининг  $K/DOQI$  (2002, 2013 й.) бўйича I ва II даражалари таснифланади. ҚД давомийлиги ортиб бориши билан СБК ривожланиши ва авж олиши ҳам кузатилиши тадқиқотларда аниқланди.

Болалар ва ўсмирларда 1-тур ҚД компенсацияси гликирланган гемоглобин ( $HbA1c$ ) миқдори бўйича баҳоланди.

СБК биринчи босқичида 15,6% текширилувчиларда  $HbA1c \leq 7,5\%$ , айти шундай миқдорда  $HbA1c >7,5 < 9,0\%$ , 68,8% да эса  $HbA1c \geq 9,0\%$  эканлиги аниқланди.

СБК II босқичида 37,5% текширилувчиларда  $HbA1c \leq 7,5\%$ ,  $HbA1c >7,5 < 9,0\%$  бўлган ҳолатлар аниқланмаган ва 62,5% 1 тур ҚД болалар ва ўсмирларда  $HbA1c \geq 9,0\%$  эканлиги аниқланган.

СБК III босқичида бўлган 1-тур ҚД болалар ва ўсмирлар барчаси декомпенсацияланган бўлиб, 20% беморда  $HbA1c >7,5 < 9,0\%$ , текширилганларнинг 80,0% эса -  $HbA1c \geq 9,0\%$  ташкил қилди.

СБК IV босқичидаги беморлар ҳам декомпенсация давридагилиги аниқланди: 22,2% беморда  $HbA1c >7,5 < 9,0\%$  ва  $HbA1c \geq 9,0\%$  кўрсаткичи 77,8% болалар ва ўсмирларда қайд қилинди.

Шундай қилиб, ҳатто СБК I ва II босқичларида ҳам декомпенсация давридаги болалар ва ўсмирлар сони компенсацияланганларга нисбатан кўп учрайди. 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК III ва IV даражалари диабетнинг компенсацияланган шакли умуман кузатилмади ( $HbA1c \leq 7,5\%$ ).

Шундай қилиб, СБК даражасига боғлиқ ҳолда  $HbA1c$  миқдори таҳлиллари кўрсатишича, углевод алмашинувининг компенсацияси 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиши ва авж олишида муҳим аҳамиятга эга, бундан ташқари ҳатто компенсацияланган 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда ҳам ( $HbA1c \leq 7,5\%$ ) I босқичда (15,6%) ва II босқич СБК (37,5%) аниқланади, бу эса яна бир бор 1-тур ҚД аниқланиши билан СБК эрта ташхислаш заруриятини тасдиқлайди.

СБК босқичлари ва СБК бор ёки йўқлигига боғлиқ ҳолда баъзи клиник кўрсаткичларнинг учраш даражаси таҳлил қилинди. Семизлик, қандли диабет

бўйича ирсий мойиллик таҳлил қилинганида текширилган гуруҳларда ишонарли фарқлар кузатилмади. АГ бўйича ирсий мойиллик СБК барча босқичларида СБК аниқланмаганларга нисбатан юқорилиги аниқланди – СБК (I-71,9%; II- 62,5%; III-90,0%; IV- 55,6%).

1-тур ҚД болалар ва ўсмирлар анамнезида бошидан ўтказган вирусли касалликлар таҳлилида аниқланишича, ушбу касалликлар асосан қизамиқ, қизилча ва паротит билан касалланиш СБК мавжуд беморларда кўплиги қайд қилинди. Текширилган гуруҳларда ретинопатия учраши деярли фарқ қилмади. Вибрацион сезгирлик кўрсаткичи ҳам гуруҳлар ўртасида деярли фарқланмади.

СБК босқичларига мос ҳолда албуминурия учраш даражасини таҳлилида барча НАУли 1-тур ҚД болалар ва ўсмирлар СБК бўлмаган гуруҳга киритилди. НАУли беморлар гуруҳида бирорта ҳам СБК ҳолати аниқланмади. Барча 1 тур ҚД болалар ва ўсмирлар СБК 1 босқичида бўлди – 100%, СБК II босқичида – 75,0%, СБК III босқичида - 90,0% ва IV босқичида - 16,7% МАУ аниқланди. Яққол протеинурия (ЯПУ) СБК II босқичида – 25,0%, СБК III босқичида - 10,0% ва СБК IV босқичида – 83,3% ташкил қилди.

К/DOQI (2002, 2013й.) янги таснифи қўлланиши 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларнинг 56,6% эрта босқичларда буйрақлар фаолияти пасайишини аниқлаш имконини берди. 1-тур ҚД болалар ва ўсмирлар ўртасида СБК V босқичи (<15 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>) аниқланмади.

Углевод алмашинувининг кўрсаткичлари: гликемия, ўртача кунлик гликемия ва HbA1c ҳам СБК ривожланиши ва авж олиб боришига боғлиқ равишда ортиб борди. Агар СБК бўлмаган гуруҳда гликемия  $7,5 \pm 1,9$  ммоль/л га тенг бўлган бўлса, СБК IV босқичида бу кўрсаткич  $8,3 \pm 2,0$  ммоль/л натижани кўрсатди. СБК аниқланмаган 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда HbA1c кўрсаткичи  $9,4 \pm 2,3\%$  га, СБК IV босқичида эса  $10,2 \pm 1,7\%$  га тенг бўлди. Гликирланган фибриноген эса гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан фарқланмади.

Албуминурия кўрсаткичи СБК ривожланиши ва авж олиб бориши билан ишонарли равишда ортиб борди, яъни СБК I босқичида  $29,5 \pm 15,2$  мг/л, СБК II босқичида  $35,0 \pm 16,0$  мг/л, СБК III босқичида  $122 \pm 36,4$  мг/л ва СБК IV босқичида  $334,7 \pm 195$  мг/л тенг бўлди.

Креатинин кўрсаткичи бўйича эса гуруҳлар ўртасида фарқ аниқланмади. Бу ҳолатни СБК IV босқичидаги турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар бўй узунлиги, тана вазни каби антропометрик кўрсаткичлар ва КФТ турли миқдорларда бўлиши билан тушунтириш мумкин.

Коптокчалар фильтрация тезлиги СБК авж олиб бориши билан камайиши кузатилиб, СБК босқичларини ташхисий мезонларига мос келди.

Кундузги ва тунги систолик АҚБ, диастолик АҚБ ва ЮҚС каби гемодинамик кўрсаткичлар ва СБК авж олиб боришига мос ҳолда ортиб бориши аниқланади.

Сийдикдаги альфа-глюкозидазага нисбатан ҳам айни юқоридаги мойиллик кузатилди. Яъни СБК ривожланиши ва авж олишига мос ҳолда ортиб борди. СБК аниқланмаган текширилган гуруҳ беморларида сийдикда альфа-глюкозидаза  $0,36 \pm 0,3$  ммоль глюкоза/л.соатга тенг бўлган бўлса, СБК I

босқичида  $0,39 \pm 0,4$  ммоль глюкоза/л.соат, II босқичда -  $0,59 \pm 0,3$  ммоль глюкоза/л.соат, III босқичда -  $0,54 \pm 0,4$  ммоль глюкоза/л.соат ва СБК IV босқичида  $0,80 \pm 0,5$  ммоль глюкоза/л.соат натижалар қайд қилинди.

Шундай қилиб, 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК мавжудлигига мос ҳолда баъзи клиник белгиларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, СБК ривожланиши ва авж олиб боришида гликемия, ўртача кунлик гликемия ва HbA1c%, систолик АҚБ, диастолик АҚБ ва ЮҚС каби гемодинамик кўрсаткичлар, албуминурия даражаси, КФТ, холестерин ва сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар СБК ривожланиб ва авж олиб бориш даражасига мос равишда ишонарли тарзда ўзгариб боради.

**«Биринчи тур қандли диабет мавжуд болалар ва ўсмирларда СБК ривожланиши ва авж олиб боришида ангиотензин айлантурувчи фермент гени полиморфизмини аниқлаш»** учинчи қисмида СБК ривожланиши ва авж олишида ААФ гени I/D полиморфизмининг аҳамияти ўрганилган. СБК турли босқичлари бўлган 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда генотиплаш ўтказилди.

1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда уларнинг жинсига боғлиқ ҳолда ААФ гени генотипларини тарқалиши эркак жинслиларда DD генотипига нисбатан (37,2%) II генотипи устунлик қилди, айни вақтда аёлларда эса II генотипига нисбатан (49%) DD генотипи (68,8%) кўпроқ аниқланди. Бу эса СБК аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ кузатилишидан далолат беради.

ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда баъзи клиник кўрсаткичлар ўрганилди. Семизлик бўйича ирсий мойиллик таҳлилида ААФ гени II ва DD генотиплари бор ўртасида ишонарли фарқ аниқланмади. 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда АГ бўйича ирсий мойиллик II генотип тутувчиларга нисбатан DD генотип тутувчиларда юқорилиги, ҚД бўйича ирсий мойиллик эса аксинча бўлди.

Анамнезида ўтказган вирусли касалликлар таҳлили бўйича қизамиқ, қизилча, гепатит ва ОРВИ II генотип учровчиларда, паротит кўрсаткичи эса DD генотип тутувчи беморларда юқорилиги аниқланди.

Албуминурия кўрсаткичи ААФ гени полиморфизми билан бевосита боғлиқ бўлиб, НАУ гуруҳида II генотипи 59,2% учраган бўлса, DD генотипи 27,9% ҳолатда учради.

1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда ЯПУ гуруҳида II генотипли бирорта ҳолат аниқланмаган ҳолда, DD генотипи 34,9% ҳолатда кузатилди. МАУ гуруҳида солиштирилаётган турли генотип гуруҳлари ўртасида ишонарли фарқлар аниқланмади. Албуминурия авж олиб бориши билан II генотип тутувчилар сонининг камайиши ва DD генотип тутувчи шахслар учраши ортиб борди.

Гликемия ва гликемик профил каби углевод алмашинувининг кўрсаткичлари генотипига D аллелининг кўшилиши билан ва DD генотипида II генотипли гуруҳга нисбатан ортиб борди.

Гликирланган гемоглобин кўрсаткичлари текширилувчи гуруҳлар орасида фарқланмади.

Албуминурия кўрсаткичи таҳлилида аниқланишича, генотипга D аллел киритилиши ва тўпланиши билан албуминурия даражаси ҳам ортиб борди.

ЯПУ гуруҳида эса II генотиби аниқланган ҳолат умуман аниқланмади, ушбу гуруҳдаги барча I-тур ҚД болалар ва ўсмирлар ID ва DD генотипларга эга бўлди. Бунда DD генотибли гуруҳда албуминурия кўрсаткичи ( $374,0 \pm 189,8$  мг/л) ID генотибли гуруҳга нисбатан ишонарли даражада ( $83,3 \pm 5,7$  мг/л) юқори бўлди.

I-тур ҚД болалар ва ўсмирлар гуруҳида СБК авж олиб бориши билан КФТ кўрсаткичи ишонарли тарзда ортиб борди.

Сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза ферменти миқдори DD генотибида ( $0,61 \pm 0,4$  ммоль глюкоза/л.соат) ва ID генотибида ( $0,65 \pm 0,3$  ммоль глюкоза/л.соат) II генотип кўрсаткичларига ( $0,21 \pm 0,2$  ммоль глюкоза/соат) нисбатан юқори бўлди.

II генотипига эга беморларга нисбатан DD генотибли шахсларда ретинопатия кўрсаткичи юқорилиги аниқланган бўлса-да, улар ўртасида ишонарли фарқлар аниқланмади.

Вибрацион сезгирлик барча текширилувчи гуруҳларда деярли бир хилда ва бу фарқлар статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади.

Шундай қилиб, ААФ гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда баъзи клиник белгилар таҳлилида аниқланишича, КФТ ва албуминурия ААФ гени полиморфизми билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Генотипда D аллелни тўпланиши билан I-тур ҚД болаларда юқоридаги кўрсаткичларнинг статистик жиҳатдан ишонарли ҳолда ортиши/камайиши кузатилди. Сийдикдаги нейтрал альфа-глюкозидаза ферменти DD генотипига боғлиқ кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

СБК бўлмаган гуруҳда ААФ гени полиморфизми тарқалишини таҳлил қилганимизда, ID (21,2%) ва DD (23,1%) генотипларга нисбатан II генотиби (55,8%;  $p < 0,0001$ ) кўпроқ учраши аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Сурункали буйрак касаллиги босқичига боғлиқ ҳолда ААФ гени полиморфизмининг учраш даражаси**

Кўрсаткичлар	СБК(-) с НАУ, n=52 (43,3%)		Сурункали буйрак касаллиги босқичлари							
			I босқич, n=32 (26,7%)		II босқич, n=8 (6,7%)		III босқич, n=10 (8,3%)		IV босқич, n=18 (15,0%)	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
II, n=49	29	55,8	18	56,3	2	25,0	-	-	-	-
ID, n=28	11	21,2	14	47,7	2	25,0	1	10,0	-	-
DD, n=43	12	23,1	-	-	4	50,0	9	90,0	18	100,0

СБК I-босқичи мавжуд беморлар ўртасида ҳам II генотибли беморлар кўплиги (56,3%;  $p = 0,45$ ) аниқланди, айти вақтда ID генотип (47,7%) учраган бўлса, DD генотиби умуман кузатилмади.

I-тур ҚД болалар ва ўсмирларнинг СБК II босқичини ярмида (50%) DD генотиби аниқланди, тўртдан бир қисмида II генотиби (25,0%) ва ID генотиби (25%) аниқланди.

СБК III босқич беморларнинг аксарияти (90,0%;  $p < 0,0001$ ) DD генотиби ташувчиси эканлигини кўриш мумкин. СБК IV босқичли беморларда I аллели ва II генотиби умуман аниқланмади, барча беморлар (100%) DD генотиби ташувчилари бўлди, бу эса яна бир бор 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда СБК ривожланишида ААФ гени полиморфизми ролини кўрсатмоқда. Ўзбек популяциясига мансуб 1-тур ҚД болалар ва ўсмирларда II (49-40,8%) ва DD (43-35,8%) генотиплари гомозигота ташувчилари аниқланди.

Биз томондан олинган натижалар ААФ гени D аллели ва DD генотипини касалланиш ва сурункали буйрак касалликларининг (гломеруляр ва тубуло-интерстициал) авж олиб бориши боғлиқлигини кўрсатиб ўтилган илмий тадқиқот натижалари билан мос келади (Акман В., 2009).

